O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING

# QARORI

Namangan sh. Istiqlol ko`chasi 57.

2021 - yil 13 - noyabr 355-6-0-Q/21 Namangan viloyati hokimligi

**Наманган вилоятида маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПҚ–5140-сон қарори ижросига мувофиқ, вилоятдаги маҳаллаларда яшовчи аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) нинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПҚ–5140-сон қарори 2-иловаси билан маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда 2021 йилда 72 тафуқаролар йиғинларида маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканлари манзилли рўйхати, талаб этиладиган маблағ миқдори ва уларни жиҳозлаш бўйича молиялаштириш манбаалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Касб-ҳунарга ўқитиш масканлари фаолиятини йўлга қўйишда

фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган маҳалла гузарлари ҳамда давлат ташкилотларининг унумли фойдаланилмаётган бўш турган бино ва хоналарида жойлаштирилишига эътибор қаратилсин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимларига 2021 йилнинг 15 ноябрига қадар касб-ҳунарга ўқитиш масканлари учун ажратилган бино ва хоналарни таъмирлашва ўқув жараёнига тайёрлаш вазифаси топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Т.Юсупов), вилоят ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ш.Мусаев), вилоят Бандлик бош бошқармаси (Р.Расулов), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Б.Мирзатов) ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 25 ноябрга қадар масканларни ўқув асбоб-ускуналари ҳамда жиҳозлар билан таъминласин.

6. Белгилансинки, масканларни ўқув асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан таъминлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” жамғармалари маблағлари ҳисобидан 25 фоиздан тенг улушларда амалга оширилади.

Бунда, касб-ҳунарга ўқитиш масканларини сақлаш ҳамда ўқиш жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатлар кейинчалик Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (З.Бахриддинов):

касб-ҳунарга ўқитиш масканларини жиҳозлаш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратиладиган маблағларни ўз вақтида молиялаштирилишини;

шаҳар ва туманлар ҳокимлари касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этиш ва лозим даражада фаолият юритиши учун ажратилаётган маблағларнинг манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминласин.

8. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ш.Мусаев) ҳудудларда ташкил этилаётган касб-ҳунарга ўқитиш масканларида ташкил этилаётган касблар бўйича, маҳаллалардаги ишсиз, муайян касб ва малакага эга бўлмаган ҳамда ўқиш истагида бўлган ишсиз фуқаролар рўйхатини шакллантирсин.

9. Бандлик бош бошқармаси (Р.Расулов) шаҳар ва туманлар ҳокимлари билан биргаликда 2021 йилнинг 30 ноябрига қадар маҳалла аҳолисини касб-

ҳунарга ўқитиш масканларига замонавий талабларга жавоб берадиган, юксак малака, соҳада кўп йиллик иш тажрибасига ва юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилсин.

10. Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (Б.Таджиматов) Бандлик бош бошқармаси (Р.Расулов) билан биргаликда хориждан жалб этилган ўқитувчилар иштирокида касб-ҳунарга ўқитиш масканлари ўқитувчилари учун маҳорат дарсларини ўтказиб борилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, касб-ҳунарга ўқитиш масканларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати вилоят ҳокимлигининг йиғилишларида танқидий муҳокама қилиб борилади.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ш.Мусаев зиммаларига юклансин.

**Viloyat hokimi** **Sh.Abdurazakov**

Наманган вилоят ҳокимининг
2021 йил 13 ноябрдаги
355-6-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Вилоятда янги ташкил этилаётган маҳалла аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш масканларинингманзилли рўйхати, талаб этиладиган маблағлар миқдори ва уларни жиҳозлаш бўйича молиялаштириш манбаалари**

| Т/р | Туман номи | Маҳалланоми | Аҳоли сони | Бириктирилганўқувмарказноми | Ўқувмаказданмасофаси (км) | Касб-ҳунаргаўқитишмасканлариучунажратилганбино | Манзили | Ажратилганхоналар сони | Жамимайдон (кв.м) | Касбйўналишлари | Талаб этиладиган маблағ, минг сўм | Молиялаштириш манбааси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Наманган шаҳар | Ишонч | 5 244 | Наманган касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 9,5 | Ишонч МФЙ биноси | Ишонч МФЙ | 1 | 21 | Тикувчилик | 35 | Темир дафтар жамғармаси |
| 2 | | Учкун | 9 242 | | 5 | Учкун МФЙ биноси | Учкун МФЙ | 1 | 25 | Тикувчилик | 35 | |
| 3 | | Даштбоғ | 4 700 | | 4 | Даштбоғ МФЙ биноси | Даштбоғ МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 4 | Давлатобод тумани | Гулобод | 3 371 | Наманган касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 25 | Педагогика КХК биноси | Гулобод МФЙ | 1 | 66 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси |
| 5 | | Наврўз | 4 122 | | 30 | Наврўз МФЙ биноси | Наврўз МФЙ | 1 | 25 | Тикувчилик | 35 | |
| 6 | | Орзу | 7 216 | | 25 | Орзу МФЙ биноси | Орзу МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | |
| 7 | Янги Наманган тумани | Бунёдкор МФЙ | 7 862 | Наманган касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 29 | Бунёдкор МФЙ биноси | Бунёдкор МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | Темир дафтар жамғармаси |
| 8 | Мингбулоқ тумани | Қолгандарё | 3220 | Тўрақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 10 | Қолгандарё МФЙ биноси | Қолгандарё МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | Темир дафтар жамғармаси |
| 9 | | Қўшқишлоқ | 2582 | | 15 | Қўшқишлоқ МФЙ биноси | Қўшқишлоқ МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 10 | | Фаровон | 4370 | | 14 | Агросаноат коллежи биноси | Фаровон МФЙ | 2 | 70 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |
| 11 | | Бозорбоши | 3550 | | 11 | Бозорбоши МФЙ биноси | Бозорбоши МФЙ | 1 | 25 | Тикувчилик | 35 | |
| 12 | | Мулкобод | 4069 | | 21 | Мулкобод МФЙ биноси | Мулкобод МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |
| 13 | Косонсой тумани | Ўзбекистон | 5207 | Янгиқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 35 | Ўзбекистон МФЙ биноси | Ўзбекистон МФЙ | 2 | 60 | Тикувчилик<br>Аёлларсартароши | 35<br>20 | Темир дафтаржамғармаси |
| 14 | | Равот | 6250 | | 36 | Равот МФЙ биноси | Равот МФЙ | 1 | 35 | Тикувчилик | 35 | |
| 15 | | Ўртакўча | 2580 | | 24 | Ўртакўча МФЙ биноси | Ўртакўча МФЙ | 2 | 24 | Компьютер IT | 35 | |
| 16 | | Бешкетмон | 2777 | | 60 | Бешкетмон МФЙ биноси | Бешкетмон МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 17 | Наманган тумани | Наврўз | 5207 | Наманган касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 15 | Саноатваиқтисодиёттехникуми биноси | Наврўз МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | Темир дафтаржамғармаси |
| 18 | | Қоракўл | 6250 | | 3 | Қоракўл МФЙ биноси | Қоракўл МФЙ | 1 | 40 | Ошпаз-қандолатчи | 30 | Темир дафтаржамғармаси |
| 19 | | Шўрқўрғон | 2580 | | 10 | 1-сон касбхунармактабибиноси | Шўрқўрғон МФЙ | 2 | 50 | Тикувчилик<br>Ошпаз-қандолатчи | 35<br>30 | Темир дафтар жамғармаси<br>Аёллар дафтари жамғармаси |
| 20 | | КаттаТошбулоқ | 2777 | | 15 | Х/Т. Х.Турсуноватегишлибино | КаттаТошбулоқ МФЙ | 2 | 50 | Ошпаз-қандолатчи | 30 | Ёшлар дафтарижамғармаси |
| 21 | | Миришкор | 5207 | | 20 | Миришкор МФЙ биноси | Миришкор МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | Темир дафтар жамғармаси |
| 22 | | Анжирзор | 6250 | | 18 | 2-сон касбхунармактабибиноси | Анжирзор МФЙ | 2 | 50 | Тикувчилик<br>Ошпаз-қандолатчи | 35<br>30 | Аёллар дафтари жамғармаси<br>Бандликка кўмаклашиш жамғармаси |
| 23 | Норин тумани | Шўрариқ | 4557 | Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 6 | Шўрариқ МФЙ биноси | Шўрариқ МФЙ | 1 | 45 | Тикувчилик | 35 | Аёллар дафтари жамғармаси |
| 24 | | Каттаоқтовлик | 1945 | | 16 | Каттаоқтовлиқ МФЙ биноси | Каттаоқтовлиқ МФЙ | 1 | 22 | Тикувчилик | 35 | |
| 25 | | Юқоричўжа | 5307 | | 49 | Юқоричўжа МФЙ биноси | Юқоричўжа МФЙ | 1 | 28 | Тикувчилик | 35 | |
| 26 | | Тошлоқ | 3869 | | 38 | Тошлоқ МФЙ | Тошлоқ | 1 | 22 | Тикувчилик | 35 | |
| 27 | Норин тумани | Отбозор | 2916 | Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 25 | Отбозор МФЙ биноси | Отбозор МФЙ | 1 | 33 | Тикувчилик | 35 | |
| 28 | | Чангитма | 4015 | | 29 | Чангитма МФЙ биноси | Чангитма МФЙ | 1 | 24 | Тикувчилик | 35 | Аёллар дафтари жамғармаси |
| 29 | | Учтепа | 4166 | | 39 | Учтепа МФЙ биноси | Учтепа МФЙ | 1 | 22 | Тикувчилик | 35 | |
| 30 | | Каттаўлмас | 2910 | | 15 | Каттаўлмас МФЙ биноси | Каттаўлмас МФЙ | 1 | 38 | Тикувчилик | 35 | |
| 31 | Поп тумани | Бунёдкор | 2136 | Тўрақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 95 | Бунёдкор МФЙ биноси | Бунёдкор МФЙ | 2 | 65 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | Аёллар дафтари жамғармаси |
| 32 | | Якка тут | 4564 | | 65 | Якка тут МФЙ биноси | Якка тут МФЙ | 1 | 35 | Тикувчилик | 35 | |
| 33 | | Боғкўча | 2235 | | 65 | Боғкўча МФЙ биноси | Боғкўча МФЙ | 2 | 65 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |
| 34 | | Иттифоқ | 3841 | | 78 | Иттифоқ МФЙ биноси | Иттифоқ МФЙ | 2 | 70 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |
| 35 | | Исковут | 3904 | | 46 | Исковут МФЙ биноси | Исковут МФЙ | 2 | 75 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |
| 36 | | Янги тўда | 3594 | | 62 | Янги тўда МФЙ биноси | Янги тўда МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 37 | Тўрақўрғон тумани | Хўжанд | 3002 | Тўрақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 11 | 2-сонли касбхунармактаби | Хўжанд МФЙ | 2 | 129 | Тикувчилик | 35 | Аёллар дафтари жамғармаси |
| 38 | | Файзиобод | 2330 | | 14 | 46-сонли умумийўртатаълиммактаб биноси | Файзиобод МФЙ | 2 | 100 | Компьютер IT<br>тикувчилик | 35<br>35 | Аёллар дафтари жамғармаси<br>Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 39 | | Оқтош | 3265 | | 7 | Оқтош МФЙ биноси | Оқтош МФЙ | 1 | 45 | Тикувчилик | 35 | Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 40 | | Тошкент | 5804 | | 14 | Тўрақўрғон агротехнология техникуми | Тошкент МФЙ | 2 | 109 | Тикувчилик<br>Аёлларсартароши | 35<br>20 | Ёшлар дафтари жамғармаси<br>Аёллар дафтари |
| 41 | Тўрақўрғон тумани | Беруний | 2127 | Тўрақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 8 | Беруний МФЙ биноси | Беруний МФЙ | 1 | 45 | Тикувчилик | 35 | Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 42 | Уйчи тумани | Ёркатай | 3810 | Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 43 | 2-сектор биноси | Ёркатай МФЙ | 1 | 45 | Тикувчилик | 35 | Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 43 | | Қашқар | 2642 | | 36 | 1-сектор биноси | Қашқар МФЙ | 1 | 48 | Тикувчилик | 35 | |
| 44 | | Боғкўча | 4461 | | 30 | Боғкўча МФЙ биноси | Боғкўча МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | |
| 45 | | Беруний | 2639 | | 13 | 4-сектор биноси | Беруний МФЙ | 2 | 46 | Тикувчилик | 35 | |
| 46 | Учқўрғон тумани | Боғкўча | 1630 | Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 19 | Боғкўча МФЙ | Боғкўча МФЙ | 1 | 25 | Компьютер IT | 35 | Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 47 | | Яшиқ | 2649 | | 34 | Яшиқ МФЙ | Яшиқ МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 48 | | Ёғду | 3050 | | 15 | Ёғду МФЙ | Ёғду МФЙ | 1 | 20 | Тикувчилик | 35 | |
| 49 | | Кўприкбоши | 2480 | | 17 | Кўприкбоши МФЙ | Кўприкбоши МФЙ | 1 | 20 | Компьютер IT | 35 | |
| 50 | | Қозоқовул | 2856 | | 15 | Қозоқовул МФЙ | Қозоқовул МФЙ | 1 | 23 | Тикувчилик | 35 | |
| 51 | | Қўғай | 2340 | | 6 | Қўғай МФЙ | Қўғай МФЙ | 1 | 23 | Тикувчилик | 35 | |
| 52 | | Саноат | 2673 | | 26 | Саноат МФЙ | Саноат МФЙ | 1 | 20 | Тикувчилик | 35 | |
| 53 | | Туркистон | 2438 | | 18 | Туркистон МФЙ | Туркистон МФЙ | 1 | 20 | Компьютер IT | 35 | |
| 54 | | Ўлжатўпи | 3548 | | 27 | Ўлжатўпи МФЙ | Ўлжатўпи МФЙ | 1 | 20 | Компьютер IT | 35 | |
| 55 | Чортоқ тумани | Тўпқайрағоч | 3431 | Янгиқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 28 | Тўпқайрағоч МФЙ биноси | Тўпқайрағоч МФЙ | 1 | 42 | Тикувчилик | 35 | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси |
| 56 | | Деҳқонобод | 3124 | | 20 | Деҳқонобод МФЙ биноси | Деҳқонобод МФЙ | 1 | 20 | Тикувчилик | 35 | |
| 57 | | Зангобод | 2804 | | 46 | Зангобод МФЙ | Зангобод МФЙ | 1 | 40 | Тикувчилик | 35 | |
| 58 | | Боғистон | 3650 | | 37 | Боғистон МФЙ | Боғистон МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | |
| 59 | Чортоқ туман | Истиқлол | 4072 | | 32 | Истиқлол МФЙ биноси | Истиқлол МФЙ | 2 | 60 | Тикувчилик, Компьютер IT | 35<br>35 | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 60 | Чуст тумани | Пилол | 3329 | Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 17 | Варзикиктисодиёт коллежи биноси | Пилол МФЙ | 2 | 50 | Компьютер IT | 35 | Ёшлар дафтари жамғармаси |
| 61 | | Сероб | 4755 | | 21 | 1-сонли укувмарказбиноси | Сероб МФЙ | 1 | 42 | Тикувчилик | 35 | |
| 62 | | Еттиқўрғон | 3303 | | 18 | 51-ўрта талиммактаби биноси | Еттиқўрғон МФЙ | 1 | 35 | Тикувчилик | 35 | |
| 63 | | Гузар | 3137 | | 17 | Гузар МФЙ биноси | Гузар МФЙ | 1 | 50 | Тикувчилик | 35 | |
| 64 | | Ғовасойсохили | 4352 | | 21 | 12-ўрта талиммактаби биноси | Ғовасойсохили МФЙ | 1 | 40 | Тикувчилик | 35 | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси |
| 65 | | Пансада | 5335 | | 13 | Пансада МФЙ биноси | Пансада МФЙ | 1 | 40 | Тикувчилик | 35 | |
| 66 | | Қуйикарнон | 2580 | | 17 | 15-ўрта талиммактаби | Қуйикарнон МФЙ | 1 | 30 | Тикувчилик | 35 | |
| 67 | | Янгиер | 4260 | | 18 | 24-ўрта талиммактабибиноси | Янгиер МФЙ | 1 | 45 | Тикувчилик | 35 | |
| 68 | Янгиқўрғон тумани | Зарбдор | 2743 | Янгиқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази | 5 | Зарбдор МФЙ биноси | Зарбдор МФЙ | 2 | 65 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси |
| 69 | | Қандиён | 2637 | | 21 | Кандиён МФЙ биноси | Қандиён МФЙ | 1 | 40 | Тикувчилик | 35 | |
| 70 | | Навкент | 4332 | | 7 | Навкент МФЙ биноси | Янгиқўрғон МФЙ | 2 | 53 | Тикувчилик | 35 | |
| 71 | | Боғ | 3022 | | 18 | Янгиқўрғон 10 - сонли ДМИ биноси | Боғ МФЙ | 2 | 42 | Тикувчилик | 35 | |
| 72 | | Гаистон | 3506 | | 17 | Гаистон МФЙ  биноси | Гаистон МФЙ | 2 | 55 | Тикувчилик<br>Компьютер IT | 35<br>35 | |